



Кадимдан Дашти кипчокнинг шаркий кисмида, хусусан Гарбий Козогистон, Тобольск, Тура ва Тюменда кўчиб юрган турк-мўғул кабилалари: арлот, бахрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, корлук, можор, кипчок, киёт, кўнгирот, мангит, найман, нукуз, тангут, кушчи, туман минг ва бошқа кабилалар XIII аср охири ва XIV—XVI асрларда яшаб нжод этган Шарк тарихчилари томонидан умумий бир ном билан «ўзбек» деб аталган. Хамдуллох Муставфийи Казвиний (1281 —1350) нинг «Тарихи тузида» («Танланган тарих») асарида Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва халклар хакида фикр юритилади ва бу кабилалар «ўзбекиён» («ўзбеклар»), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шаркий Дашти кипчок эса «мамлакати ўзбек» («ўзбек мамлакати») деб аталган. «Ўзбек» атамаси кабилалар уюшмаси ва шу кабилаларга карашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхонга кадар хам кўлланилган. Масалан, Мирзо Улугбек ўзининг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асарида Ўзбекхоннинг хокимият тепасига келиши зикрида «узбек улуси унга берилди» деб ёзади. Амир Темурнинг замондоши тарихчи олим Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» китобида Ок Ўрда хони Урусхон «ўзбек подшоши» дейилган. Араб тарихчиси ал-Калкошандий (1418 йилда вафот этган) Олтин Ўрда хони Тўхтамишни «ўзбек мамлакатининг подшоши» деб атайтиди. Гиёсиддин Хондамир яна хам аниқроқ маълумот келтирган: у Тўхтамиш хоннинг кўшинини у«сипохи ўзбек» («узбек кўшини») деб номлайди. Хондамирнинг бу сўзларини султон Муъинуддин Натанзий ва Абдураззоқ Самаркандийлар хам тасдиқлайдилар. Улар Тўхтамишдан кейин Олтин Ўрдада хон бўлган Темир Кутлуг, Шодибек, Пўлодхон, Улуг Муҳаммадхонни «Дашти кипчок ва узбек вилоятининг хукмдори» деб атагамлар. Жувайний (1226—1283), Рашидиддин ва улардан бирмунча вақт кейин ўтган тарихнавислар: Масъуд ибн Усмон Кўхистоний, Камолуддин Биноий, Рузбехон, «Таворихи гузида, нусратнома» китобининг

номаълум муаллифи (XVI аср боши) ва Махмуд ибн Валилар Дашти кипчок ўзбеклари ва улар кўчиб юрган ерлар, уларнинг ўзаро муносабатлари хақида жуда кўп маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Шайбонийхоннинг замондоши Рузбехоннинг «Мехмонномаи Бухоро» китобида ҳам муҳим маълумотлар учрайди. У Дашти кипчок ўзбеклари уч тоифадан: Шайбонийлар (Шайбон улусида кўчиб юрган ўзбеклар), қозоқлар ва мангитлардан ташкил топганлигини айтади.

Шайбон улуси, ишончли манбаларнинг маълумотларига қара, 1238 йили ташкил топган ва Урал тоғининг жанубий этакларидан то Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг жанубий ҳудуди Орол денгизининг шимолий соҳили, шимолий чегараси эса Чинги Турада (Тюмень) бўлган.

Мангит улуси эса Эмба билан Ейик дарёлари оралигидаги ерларни ўз ичига олган. Мангитлар XV асрнинг 30-йилларида қўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси шайбоний Абулхайрхонга бўйсунганлар.

Дашти кипчок ўзбеклари асосан қорвачилик билан машғул бўлганлар, воҳаларда қисман зироатчилик билан ҳам шугулланганлар. Хайвон терисидан турли буюмлар тикканлар. Дашти кипчок ўзбеклари фақат Ўзбекхон замонида ислом динини қабул қилганлар, лекин уларнинг урф-одатларида маъжусийлик (зороастризм)нинг айрим аломатлари («яда тоши»нинг қароматларига ишониш, Қуёшга сизганиш ва хоказо) сақланиб қолган. Дашти кипчок ўзбекларининг фаолиятида талончилик урушлари муҳим ўрин эгаллаган. Улар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг бир неча халқнинг таркибига ҳам қирган.

Бўрибой Аҳмедов